

Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир



11:00 / 01.03.2023 4647

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

خَيْرًا هُوَ فَضْلُهُ، مِنَ اللَّهِ، آتَاهُمْ بِمَا يَبْخُلُونَ الَّذِينَ يَحْسَبُونَ وَلَا

الْقِيَامَةِ يَوْمَ بِهِ، بِخَلُوا مَا سَيَطُوقُونَ هُمْ شَرُّهُ هُوَ بَلَّ هُمْ

خَيْرٌ تَعْمَلُونَ بِمَا وَاللَّهُ وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ مِيرَاثُ وَ لِلَّهِ



«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир» (Оли Имрон сураси, 180-оят).

Ислом дини таълимоти бўйича, инсоннинг қўлидаги мол унга Аллоҳ Ўз фазлидан берган омонатдир. Шунинг учун у мазкур молни унинг ҳақиқий эгаси – Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлаши керак. Аммо бахиллик қилиб, Аллоҳнинг йўлида сарфланмай, тўпланган мол эгасининг кўзига яхши бўлиб кўрингани билан, аслида яхшилик бўлмайди. Ким бахиллик билан тўплаган молини яхшилик деб ҳисобласа, нотўғри уйлаган бўлади.

«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир».

Бандачилик. Сиртдан қараганда, бахиллик гўё молни муҳофаза қилади. Тарқалиб, йўқ бўлиб кетишидан асрайди. Лекин мол бу беш кунлик дунёда тўпланади, агар ўлиб кетса, қолади. Қолганда ҳам, бахиллик ила тўплангани учун бало-офат бўлиб қолади.

«Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур». Бу ўралиш қандай бўлишини ҳадиси шарифдан билиб олишимиз мумкин.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий алайҳиссалом:

«Аллоҳ кимга мол берса-ю, у закотини бермаса, қиёмат куни мол унга кўзойнакли улкан илон бўлиб кўринади ва бўйнига ўралади. Сўнгра икки чеккасидан тишлаб туриб, «Мен молингман, мен сен тўплаган

хазинангман», – дейди», – дедилар. Кейин «Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар» оятини охиригача ўқидилар».

Ибн Жарир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ўз қариндошига келиб, Аллоҳ унга берган фазлдан беришини сўраса-ю, у бахиллик қилиб, бермаса, албатта, жаҳаннамдан катта илон чиқиб, тили билан ялаб-ялаб, бўйнига ўралур», – деганлар.

Ҳа, инсон қанчалик узоқ яшамасин, қанчалик кўп мол тўпламасин, барибир бир куни келиб ўлади ва мону мулкини тарк этади.

«Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир».

Ҳамма-ҳаммаси Аллоҳга қолади. Ҳеч бир инсон дунёга устун бўлмайди.

«Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир».

У Зот ким бахил, ким бахил эмаслигини жуда ҳам яхши билиб туради.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди